

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ЭКОФУЦИН®

Препаратнинг савдо номи: Экофуцин®

Таъсир этувчи модда (ХПН): натамицин

Дори шакли: вагинал суппозиторийлар

Таркиби:

1 суппозиторий қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: натамицин (100% моддага қайта ҳисоблаганда) – 100 мг;

ёрдамчи моддалар: лактулоза – 300 мг, макрогол глицерилгидроксистеарат – 200 мг, коллоидли кремний диоксиди – 20 мг, қаттиқ ёғ - 2300 мг гача.

Таърифи:

деярли оқ рангдан оч жигарранг ранггача бўлган, Торпедосимон шаклли суппозиторийлар. Оқ рангли доғларга рухсат берилади. Ҳаво ўзаги ёки воронкасимон чуқурчаси бўлишига рухсат берилади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Сийдик-таносил тизими ва жинсий гормонлар. Гинекологияда қўлланиладиган микробларга қарши препаратлар ва антисептиклар. Антибиотиклар. Натамицин.

АТХ коди: G01AA02

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Кенг таъсир доирасига эга бўлган макролидлар гуруҳининг замбуруғга қарши полиенли антибиотик. Фунгицид таъсир кўрсатади. Натамицин ҳужайра мембраналарининг стеролларини боғлайди, уларнинг яхлитлиги ва функцияларини бузади, бу билан микроорганизмларнинг ўлимига олиб келади. Кўпчилик патоген ачитқисимон замбуруғлар (айниқса, *Candida albicans*), ачитқилар (*Torulopsis* ва *Rhodotorula*), шунингдек, бошқа патоген замбуруғлар (*Aspergillus*, *Penicillium*) натамицинга сезувчан. Дерматофитлар (*Trichophyton*, *Microsporum*, *Epidermophyton*) натамицинга нисбатан кам сезувчан. *In vitro* шароитида грам-мусбат ва грамм-манфий бактерияларга таъсир қилмайди.

Натамицинга чидамлилик клиник амалиётда учрамайди.

Фармакокинетикаси

Экофуцин® тизимли таъсир кўрсатмайди, чунки у шиллиқ қаватлар юзасидан даярли сўрилмайди.

Қўлланилиши

Асосан *Candida* замбуруғларининг тури билан чақирилган вагинит, вулвит, вулвовагинитларда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Кандидозли вагинит, вулвит, вулвовагинит: интравагинал (қин ичига) битта суппозиторийдан 3-6 кун давомида.

Суппозиторийлар олдиндан контур ўрамдан бўшатилади, ётган ҳолатда бир кунда бир маҳал кечки пайт қин ичига, иложи борица чуқурроқ киритилади.

Даволаш курсининг давомийлиги индивидуал тартибда белгиланади. Касаллик симптомлари йўқолганидан кейин даволашни яна бир неча кун давом эттириш тавсия этилади. Ҳайз кўриш пайтида суппозиторийларни қўллаш тўхтатиб турилади.

Candida albicans чақирган вагинитнинг сурункали кечишида натамицин қўшимча равишда перорал қабул қилиш учун таблетка кўринишида буюрилади: ичакдаги кандидозли инфекция ўчоғини йўқотиш учун 1 таблеткадан кунига 4 марта, 10-20 кун давомида.

Ножўя таъсирлари

Маҳаллий қўлланилганда, киритган жойда енгил таъсирланиш ва ачишиш ҳисси пайдо бўлиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг таркибий қисмларига юқори сезувчанлик.

15 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Экофуцин® препарати ва бошқа дори препаратлари ўртасидаги ўзаро таъсирлар таърифланмаган.

Махсус кўрсатмалар

Вагинал аппликацияда, тана ҳарорати таъсирида, суппозиторийлар кўпикли массага айланади, бу натамициннинг қин шиллиқ қават бўйлаб бир текис тақсимланишига ёрдам беради.

Даволаш даврида жинсий алоқани истисно қилишнинг ҳожати йўқ, аммо жинсий шерикларни текшириш ва агар кандидозли зарарланишлар аниқланса, натамицин билан даволаш курси ўтказиш тавсия қилинади. Даволаш пайтида контрацепциянинг тўсиқли усулларида фойдаланиш лозим.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Экофуцин® препаратини ҳомиладор аёлларда ва лактация даврида қўллаш мумкин.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Экофуцин® препаратининг қўлланилиши транспорт воситаларини ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Ҳозирги вақтда Экофуцин® препаратининг дозасини ошириб юбориш ҳолатлари қайд этилмаган.

Чиқарилиш шакли

3 та суппозиторийдан ПВХ/ПЕ плёнкадан тайёрланган контур уяли ўрамда.

1 ёки 2 та контур уяли ўрам тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қадоқда жойлаштирилади.

Сақлаш шароити

Оригинал ўрамида (қадоқда), 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

“АВВА РУС” АЖ, Россия, Киров вилояти, Киров шаҳри, Луганская кўчаси, 53А.

Тел.: +7 (8332) 25-12-29; +7 (495) 956-75-54

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси расмийлаштирилган юридик шахснинг номи ва манзили

АВВА Фармасютикалс Лтд.

23А Спиру Киприану, 4001 Меса Гейтония, Лимассол, Кипр.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътироз (таклиф)ларни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

“ЛЕКАРСТВЕННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ” МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Олимлар кўч., 43 уй

Тел.: +998 90 928 29-99

E-mail: adversereaction@drugsafety.ru